



Сизни севиб колиб, бўлдим айбдор,
Энди шу ишк учун тўлайин карзим.
Токи, жон бергунча бўлай вафодор,
Токи, жон чиккунча килайин таъзим!
Шеърдан.

Худонинг ишлари жумбок экан. Молга хашак солиб юрган Марварид опани коракурт чақди-ю, дод дейишга улгурмай жонини хакка топширди. Аксига олиб болалари мактабга кетган, эри Бекмурод ишда эди. ховли этагига келиб, кўшниларни чакирди.Огрик кучайгандан кучайди. Жон талвасасида ўзини хар томонга отди. Кимдир «Тез ёрдам»га кўнгирок килди. Кимдир сув сепди. Кимдир болдиридан сикиб боғлади. Лекин хеч кайсиси кор килмади. Огрик зўрайгандан зўраяверди. Бир йилдан буён юрак кон томирлари торайиб, юришга кийналарди. Устига устак якинда тумовланиб мазаси кочиб колди. Хамма дард бир бўлиб ёқасидан олди. Агар Марвариднинг ўзига колса, бундай дардларнинг юзтасини енгарди. Бирок, тепада ажал ўлжасини пойлаб турар экан, кимга хам арз-дод кила олади. Шифохонага етмай жон берди. На хўжайнини Бекмуродга бир оғиз сўз айта олди, на фарзандлари Бектош билан Бекжонга хайр-хўш. Кизи Маржоной кўшни туманга узатилиб кетган бўлса хам, онасининг бу холга тушганини билса, бир зумда етиб келарди. Бирок коракурт заҳри Марварид ўйлагандан кучли экан, бир зумда аъзойи баданини корайтириб, какшатиб юборди. Жон талвасасида ўйламаган ўйи, кўз олдига келтирмаган одами колмади. Кимларга нималар деди, ичиди айтди. Кимлардан узр сўради, кимлардан ёзгириди, кимларга нималарни дир тайинлади, дарди ичиди колди. Фарзандларини уйлантирмокчи эди, кўз остига олиб кўйган кизлар бор эди, насиб килмаган экан, хамма иш очик-сочик, тугалланмай колиб кетди. Марвариднинг умр йўли шу ерга келганда узилди, кенгрок нуктаи-назар билан карайдиган бўлсак, тугилмасиданок пешонасига битилган таъдирни ва бу дунёда зиммасига кўйилган барча ишни бекаму-кўст нихоясига етказди. Коракуртни кўп уринтиромади. Шундай ширин хаётни нега ташлаб кетар эканман деб, куюшкондан чикмади. Вакт ўтиб, бошка аёл эрига хотин бўлиб келишини, болаларига оналик даъво килишини, у обод килган ховлига эгалик килиб юришини хаёлига келтирмади. Албатта, хаёлига келтирганида, бу хаёл унга коракурт заҳридан азоблирок таъсир килган бўлар эди. Балки у коракурт заҳрини енгишга бундан ўн баробар каттикрок уринарди. Лекин инсон ўзи ўйлагандан ўн баробар, балки юз баробар ожизрок эканини тан олмайди. Хаммасини оғилхонага боргани-ю, коракурт чакканига, «тез ёрдам» тезда етиб келмаганига, аксига олиб шамоллаганига, юраги хасталанганига тўнкаб кўя колади. Эри энди унингсиз кийналишига, кечалари кўрпа очик колиб шамоллашибга, ёпиб кўядиган

одам энди йўклигига, бошкалар энди унингдек, яъни эрининг кўнглидагидек чой дамлолмаслигига, эри хонада овкатларни, кай тартибда пиширилганда гина хуш кўриб ейиши, канака овкатларни, канака килиб пиширганда мутлако емаслигини, кайси сўзлар эрига ёкиши-ю, кайси гаплар гапирилганда эри тутокиб кетишини ўйлаб, бу сирларни факат менгина биламан, бошка хеч ким билмайди, то билгунча йигирма йил керак дея ўйлаган ва яшаш учун ўн баробар каттикрок курашган бўлар эди. Мабодо, ўлими олдидан болаларига кимдир ўгайлик билан камситиб, захар-заккумини сочиб тургани кўз олдига келса, ўлмасликка шай бўлиб турарди. Лекин, Марвариднинг кўлидан нима келарди. Хукм ўқилган, ижро амалга ошган эди.

Бекмурод Марвариднинг барча маъракаларини беками-кўст ўтказди. Хатми Куръон ўқитиб, элга ош таркатди. Марварид хаётдан кўз юмган ондаёк, хаёт елкасига икки баробар юк билан ўтирганини ва бу зил-замбил юк уни унча-мунча кийнамаслигини, кийнаганда хам то хикилдогига тикилгунча пармалаб азобланишини сезди. Лекин, хаётда кимнинг куни тўхтаб колибди-ки, Бекмуродники тўхтасин. Кунлар ўтиб у хам хаёт ўзанида яна окиб кета бошлади. Энди у ўзидан кўра болаларини кўпроқ ўйларди.

Бирок...

Кахратон киш кунларининг бирида, Бектошни уйлантираман деб юрган Бекмурод, музда тойгониб, оёги синди-ю, шифохонада каровсиз ётиб, Бектош эмас, ўзи уйланиши кераклигини тушунди. Минг ўйлаганда хам Марварид энди кайтиб келмасди. Ўгиллари Бектош хам, Бекжон хам ўз номлари билан ўгил эди. Ховли хеч качон тоза супурилмасди, козон-товок хеч качон тоза ювилмасди, кўрпа-тўшаклар пойинтар сойинтар бўлиб хеч качон рисоладагидек йигиштирилмасди. Бекмурод бора-бора буларга кўниди. Келин тушса хаммаси жой-жойига келади деб ўйлаганди. Лекин шифохонага тушди-ю, хотинга муҳтож энг аввало ўзи эканлигини янада чукуррок англаб етди. Мана шундай ожиз ва танг колган кезлари хаёлида негадир Марварид эмас, Гулрухсор гавдаланарди ва хўрсинарди...

Гулрухсор яна хаёлида, хаётига кириб келаётганида, уни ўйлаётганидан „дushman“ билан яна юзма-юз келаётгандай, качонлардир лов-лов ёнган гулхан, бугунгача чўг бўлиб турган дард яна бошланганидан эсанкираб, ўзини ундан олиб кочишга тиришарди... Гохида шу оёгим тузалди нима-ю, тузалмади нима, дерди. Гохида бугун ўлдим нима, эртага ўлдим, нима фарки бор дея ўйланарди. Эртага хам яшашнинг нима кераги бор ўзи?! Гохида нега шунча кўп юрганига, ўзини ўтга-чўкка урганига, тиним билмай ишлаганига, хайрон колар, нима кераги бор экан, шунча хатти-харакатнинг, дея ўйланарди. Гулрухсор билан йўллари айро тушгач, уни бутунлай унитишга харакат килди.Харакатига яраша, Худо, одамни нима биландир андармон килиб кўяркан.

Арзимас бир иш билан овора бўлиб юраверар экансан, юраверар экансан ва бир куни хаётинг ўтиб кетганини, дунёдаги энг кимматли нарса, умрингни бехудага сарфлаб юборганингни, энди бу умрни хеч качон хеч кимдан кайтариб ололмаслигингни, накадар ожизлигингни, накадар бечоралигингни англаб етаркансан. Худо ўзининг суйган бандаларини, максадларига бир зумда етказиб кўяр, сен йиллар, ўн йиллар уринган нарсаларингга кимлардир, бир кунда, бир хафтада, бир йилда етаркан. Гулрухсор билан танишган кезлари машхур актёр бўламан дея орзу киларди. Ёдгор Саъдиевнинг хар бир хатти-харакатини ўзлаштирган, айтган сўзларини ёдлаган, килган киликларини ўз-ўзича тинимсиз кайтарган, такрорлаган, таклид килган у эмасмиди? Гулрухсор эса Гулчехра Жамилова киёфасида унинг кўлига сув куйган! Ўшанда улар бор-йўги еттинчи ё саккизинчи синфда ўкишарди. Каранг, орадан ўттиз йилга якин вакт ўтибди-ю,

хаммаси худди кечагина бўлиб ўтгандай. Кизик, хозир кўзига жимитдайгина бўлиб кўринадиган болакайлар хам, кимгадир кўнгил кўйганмикан. Кечалари ухламай кимнидир ўйлармикан. Кимнидир согиниб, хамма ухлаган пайти кўчаларда тентираб юрармикан. Ўн тўрт ёшли болакайлар хали оғзиларидан она сути кетмаган болаларга ўхшайди ё кўзига шундай кўринаяптимикан? Балки уларнинг хам ўз олами, ўз дунёкараши бордир? Бугун хаёлларини, калбларини тўлдирган туйгулар бир умрга юракларига муҳрланиб колишини билгандариди эди, ўзларига жиддийрок караган, ўзларини асрашган бўлишарди. Бекмурод хам болалигига хеч нарсани тушуммаган экан. Унда актёр бўлиш туйгуси, мана шу Гулрухсорга кўнгил кўйгандан, узок-узокдан караб юрганидан кейин тугилган экан. Уни ўзига каратиш учун, уни яхши кўриш учун, машхур инсон сифатида унга ёкиш, уни ўзига жалб этиш ва нихоят унга севимли бўлиш учун актёр бўлишни орзу килган экан. Бу максадига бир мунча эришди хам. Кейинчалик атайлаб кечалар уюштирас, турли хил йигинларда уни чорлар, унга рол берар, репитицияларда бирга бўлишар, бу унинг хаётида энг баҳтиёр кунлар эди. Ўша пайтлар баҳт эканлиги билинмаган, бегубор ва ўт аллангага тўла кунлар эди. Бекмурод Гулрухсорга ўз муносабатини очикдан-очик билдиrolмасди. Уяларди. Ошикча бир гап айтиб юборишдан тортинарди. Аксинча уни жигига тегишини яхши кўрар, калака килар, уни камситар, ниманидир писанда килар, хуллас хол-жонига кўймасди. Гулрухсор хам ўз муносабатини билдиrmас, гохида атайлаб ўгил болалар билан гаплашиб туарар, пайти келганда бошка болаларни мактар, у хакда эса лом-мим демас, гўё у билан шунчаки, узок таниши билан ногахон кўришиб колгандай гаплашар, ичидағини сиртига чиқармас хатто аразлашмасди. Бундай пайтларда Бекмуроднинг томогига зирхли темир тикилиб колгандай бўлар, на юта олар, на туфлаб, чикариб ташлай оларди. Гохида унга каердан йўликдим деб, кўкрагига муштларди. Бир кун жуда кизик воеа бўлди. Велосипед хайдаб кетаётганда уни йўлда кўриб колди. Кўришиш учун тўхтаганди, Гулрухсор, велосипедингни бир минай деб сўради. Аввал хайдаганмисан деб сўраганди, Гулрухсор “ха” деди. Бекмурод бу ёлгондан хурсанд бўлди. Гулрухсор велосипедни озгина хайдади-да, сайхонлик келганда, педални жони борича боса бошлади. Бекмурод орка ўриндикда ўтирарди, учиб кетаётган велосипедда ўзида йўқ шодланиб бакирав, шодон кулар, Гулрухсор хам, ўзида йўқ кийкириб куларди. Лекин озгина калтис харакат килса, хар иккиси хам, пастликка аганаб кетар, кўл-оёклари синиши турган гап эди. Пастга караб учиб кетаётган велосипед педалларини Гулрухсор тобора каттикрок ва тезрок айлантирас, кўркув ва хайратдан хар иккиси овозлари борича бакиришарди. Хартугул сайхонлик тугагач велосипедни тўхтатишиди. Ўшанда Бекмурод атайдан Гулрухсорнинг раъйини кайтармаган, учиб кетаётган велосипедда, йикилсам Гулрухсор учун йикиламан, Гулрухсор билан бирга йикиламан, Гулрухсорнинг истагини бажармагандан майиб бўлган афзал деб ўйлаган ва „тўхтат“ деб айтишга журъат килолмаган, аммо ўша кун Гулрухсор нега шундай килганини кейинчалик тушунганди: Гулрухсор унга журъатли, мард бўл, кўркок бўлма, нега мен билан бўлганингда хеч нарсадан тап тортмай юролмайсан кабилида иш тутган экан. Нега у хаётда Гулрухсор килган ишни килолмади. Бу журъатсизлиги унга кейинчалик кўп бора панд берди. Мактабни битиргач Тошкентга ўкишга бориб киролмади. Кейин харбий хизматга кетди. Кетар олди, Гулрухсорга тайинли бир гап айтольмади. Ёзган хатларида хам катъий бир гап йўқ эди. У пайтлар Гулрухсорни яхши кўриб юрган бўлса хам, негадир уйланиш хакида хеч ўйламаган экан. Ё идроки етмас, ё жуда ёш бўлган ёки аввал бирор максадимга эришиб олай деб ўйлаган. Хуллас, у хизматдан кайтганда Гулрухсорни

узатиб юборишган эди. Бу хабар худди илон сингари унинг юрагини, унинг юрагидаги жавхарни энг ўткир захар билан чакди. Огриқдин ерга юзтубан йикилди. Ер шари тескари айланиб чирпирак бўлиб кетди. У минглаб севишганлар ичida факат бизнинг мухаббатимизгина хакикий деб ўйларди. Мана шу хакикий мухаббат хам завол топди. Гулрухсорни узатиб юборишибди. Узатганда хам ўзининг якин ўртогига узатишган экан. Бир кун, ярим кечаси Бекмурод таранг маст эди, Гулрухсор келин бўлиб тушган деразани такиллатди. Аввалига хеч ким кўринмади. У деразани карсиллатиб ура бошлагач, Гулрухсорнинг эри, Искандар парда ортидан мўралади. “Чик бу ёкка” дея бакирди Бекмурод. То Искандар чиккунча атрофда кўни-кўшнилар пайдо бўлди. “Гулрухсорни мен яхши кўришимни билардинг-ку, уни мен билан юрганини билардинг-ку, унга мен уйланмокчи эдим, сен разил кўлларингни унга текизиб, кўйнингда олиб ётибсанми, ифлос!”. Бу бакирикларни у Искандар чиккунча жар солиб бўлганди. Искандар чикканда, унинг юзига караб туришга, унга гапиришга токати колмаган эди. Чўнтағидаги пичокни олди-ю, унинг юзига караб сермади. Аммо, Искандар хушёр эди, ўзини олиб кочди, Бекмурод мункиб кетганда, кўлига караб тепди. Пичок кайгадир учиб кетди. Бекмурод чап кўл билан зарба берганда Искандар ерга аганади. Одамлар пичокни кўриб, оркага тисарилар, ажратиш учун ўртага тушишга бетлолмасди. Шунда, кизик воеа юз берди. Гулрухсор ерда ётган пичокни олди. Ерда ётган Искандар хам, кўзи конга тўлган Бекмурод хам бир-бирларини ўлдиришга шай туришарди. Шунда Гулрухсор пичокни Бекмуродга тутди: “Ма, ўлдир буни” дея хукм килди. Бекмурод пичокни олганда, Искандар кочиб кетган эди. Бекмурод ўшанда бу уйдан Гулрухсорни олиб чикиб кетишга журъати етмади. Аксинча, эртаси куни ўзи кишлокдан бош олиб чикиб кетди. Шу билан мухаббат хам, буюк актёrlик орзуси хам армонга айланди. Бекмурод бу икки туйгудан кочиб яшади. Марварид ўлгач Гулрухсор хакидаги орзу яна тикланди.

Искандар эса ўзини ўлдириш учун пичок тутган хотин билан бир умр яшади. Буни бир умр ёдида саклади. Гулрухсордан бир умр ўчини олди, бир умр уни калтаклаб ўтди. Бекмурод Гулрухсорни кайтиб кўрмади. Бу воеага хам йигирма йилдан ошик вакт ўтди. Лекин, Бекмурод мана шу йигирма йил ичida бир лахза бўлсин Гулрухсорни унутмади. Унутмагани учун Гулрухсорни кайта кўролмади, уни олдига боролмади, шунчаки бўлсин узокдан бир кўриб ўтса, у яшайдиган кўчага бир марта бўлсин бўйласа бўларди. Лекин, юрагидаги огрик абадий муҳрини босган эдики, унинг ёнига боришга йўл кўймас, хеч бўлмаса Искандар билан кўришолмасди. Тўй-маъракаларда Искандар билан ногахон кўришиб колса, шунчаки кўл чўзар, бир оғиз кандайсан дейишга тили айланмасди. Искандарнинг хам, уни кўрганда газабланиб кетишидан билардики, у хам унутмаган, у хам хамма воеаларни худди кеча бўлиб ўтгандай яккол тасаввур килар, кўйнига солиб ётган хотини уни эмас, бошка одамни севишини хар кун хис килар, хотини ўзиники эканига хар куни шубхаланар, у нон берган, у чой берган, топган-тутгани билан рўзгор тебратиб юрган, пулларини келтириб берган хотини, унга фарзандлар туккан, унинг хаётини, умрини, кисматини ярмини ташкил этган хотини уники эмас, унга жон-жахонини багишлиламайди, уни ўйламайди, уни севмайди, калбини унга бермайди, юрак-юрагининг туб-тубида уни эмас, Бекмуродни ўйлайди, уни эмас, Бекмуродни афзал деб билади, хакикий эркак деб, уни эмас Бекмуродни билади. Бекмурод билан яшаганимда бундан кўра яхширок яшардим, бундан кўра баҳтирик, бундан кўра севимлирок бўлардим. Искандар менинг хаётимга зомин бўлди, деб ўйлайди. Менинг унга берган хамма мөхрим, мухаббатим, кучиб ардоклашим, эркалаб ётишим, севишим,

жонимни беришим, бутун вужудим билан унинг танига куйилишим хамма-хаммаси бехуда, ўртадаги фарзандларимиз хам бизни бөглөмайди, мол-давлатимиз хам, никохимиз хам, хеч нарса бөглөмайди, менинг хар бир ишимда, у менинг ўзимни эмас, Бекмуродни кўради, Бекмуродни тасаввур килади, Бекмуродни ўйлади, Бекмурод нима килаётган экан деб, унинг ташвишини килади, сиртига буни хеч качон чиказмасада, ичида у барибир уники, хаёлида уники, жисми мен билан ўтиради-ю, менинг уйимни супуриб сидиради-ю, лекин ўзи уники, менга бегона, унга кондош, унга жондош, худди кўйнимда хотиним эмас, хотиним киёфасидаги илон ва мен бу илон билан бир умр яшашга махкумман, дея ўйлади ва мана шундай ўйлагани, мана шуни билгани учун хам хали-хамон Бекмуродни кўрганда газаб ва аламдан титраб кетади, шунинг учун чакиришга тили бормайди, шунинг учун отишга ўки, кўришга кўзи йўк. Агар мана шундай ўйламаганда, кўришган, хотиржам гаплашган, ўтган-кетгандан валаклашган, болалик хотираларини эслашган, бугунги кийинчилик замонлар хакида, молу-давлат, хизматчилик, юриб турган сиёsat, хавонинг иссик-совуклиги, бу йилги хосилнинг ками-кўплиги ва умуман яна нималардир хакида гаплашган бўларди-ки, бу нарсалар ўтган воқеалар хотира сифатида колганидан, унинг бугунги хаётга дахли йўклигидан далолат берарди. Аммо, Искандар у кунларни унутмагани учун Бекмурод хурсанд. Чунки унинг мухаббати хали-хамон бархаёт. Хали хамон юракларда яшамокда. Хали хамон хаммани хавфу-хатарга, тахликага солиб турибди.

Бекмурод бош шифокорнинг ўйланиш хакидаги гапларини эшитар экан, худди ёш болага зўрлаб овкат ичиришгандай, ўзини каёкка олиб кочишини билмасди. Бош шифокор ўттиз ёшлардаги хамшира кизнинг номини айтди. “Мана кўриб турибсиз, келишган, меҳрибон, шириңсўз киз. Хали турмуш курмаган. Оёгингири даволайди. Энди бундан кейин сизга шифокор хамиша керак бўлади. Жигарингизда хам, ўт пуфагингизда хам салбий ўзгаришлар бор. Хали ёшсиз. Энди гина киркдан хатлабсиз. Худо насиб килса, яна фарзандлар кўрасиз. Уйда ўйланмаган ўгилларингиз бор экан, тўй-хашамга албатта бир аёл керак. Эркак киши тўйни бир ўзи ўтказолмайди. Ўйлаб кўринг. Бу менинг сизга энг яхши тавсиям” — деди. Бекмурод хамширани танирди. Хакикатдан рисоладагидай эди. Лекин, ўйланиш тўгрисидаги фикр юрагида хеч бир иликлик ўйготмасди. Юрагини киздирмас, алганга олмас, киш кунларидаги булувлар орасида колган ойдай совук, хароратсиз эди. Кайта яна бир аёл билан бир ёстикка бош кўйиш истаги эриш туюлар, хонадонига яна бир Марваридни келтиришни истамасди.

Гулрухсор воқеасидан кейин у бошка шахарга бош олиб чикиб кетди. Энди у ўша ўзи тугилиб ўсан жойда, ўзи катта бўлган, хамма кариндош уруглари яшайдиган шахарчада яшолмас, Гулрухсор ва Искандар борлиги учун хам яшолмасди. Кейин уни ўйлантиришиди. Кимга ўйланишнинг фарки йўк эди. Шу кадар телба эканки, келинни тўй куни кўрди. Ўзининг бутун умри бөгланадиган, унга фарзандлар тугиб берадиган, у билан оила курадиган, кунлари, ойлари, йиллари бирга ўтадиган жуфтини тўй куни кўрди.

Бахтига келин соппа-сог, акли-хуши жойида чиқди. У билан йигирма йилдан ортикроқ вакт яшади. Шу йигирма йилдан ортикроқ вакт хаётдаги турмушдаги хамма нарса хакида гаплаши-ю, лекин кўнгил хакида хар иккиси хам бир оғиз сўз очмади. Ё бунга эҳтиёж бўлмади, ёинки кўнгил оила тегирмонида мутлако кераксиз нарса эди. Бекмурод Гулрухсор билан кўнгил хакида соатлаб гаплашар, вакт канчалик тез ўтиб кетганини билмасди. Гулрухсор Бекмуродни, Бекмуроднинг ўзидан хам яхширок биларди. качонлардир, Гулрухсор Бекмуродга, “хеч ким сизга менчалик фидойи бўлолмайди” —

деганди. Бекмурод бу гапга ўша пайтлар эътибор бермаганди, лекин кулогига каттик куюлиб колган экан, бутун умр юрагининг зарби билан бирга акс-садо бериб турди бу сўз. Бу сўзни у кўп бора унга фидойилик килган энг якин инсони Марваридга нисбатан кўллаб кўрди ва билдики Марварид унга эмас, бошка одамга турмушга чикканда хам, тўй куни уни эмас, бошка одамни кўриб, менинг хасмим, бўлгуси турмуш ўртогим мана шу экан, деб ўйлаган, унга ўшандай, яъни Бекмуродга килгандай фидойилик килиб кетар, ўзини багишлар, уйини супурап, кирларини ювар, фарзандлар тугиб берар, яхши гапини аяmas, унга мослашиб, унинг бир кисмига айланиб кетарди. Агар у эмас, Бекмурод ўлиб, бирон яхширок жойдан совчилар келиб, фарзандларингни тўйини киламан, ўзингга бошпана бўламан, оталикни бўйнимга оламан, деса ундан, яъни Бекмуроддан колган хамма дов-доскани унга топшириб, балки тегиб кетган бўларди. Бунинг учун балки Марваридни айблаб бўлмасди. Лекин инсон нима учун севади, нима учун унга калб берилган, нима учун дунёда муhabbat деган энг буюк кудратли куч бор!

Бекмурод Марвариддан хеч хафа жойи, ундан гина киладиган, уни ёмон кўрадиган, ундан нафратланадиган, умримни зомин килдинг дейдиган жойи йўк. Агар Марварид тирик бўлганида у билан умрини охиригача бирга яшаган бўларди. Агар Гулрухсорга уйланганда бахтли яшаган, у билан мактаб даврларида биргаликда орзу килган максадларига албатта эришган, мана шу орзулар ортидан бир умр курашиб яшаган ва бугунга келиб нималаргадир эришган бўларди. Гулрухсор уни хамиша руҳлантирас, кўллаб-кувватлар, юксакка чорлар ва унинг бенихоя катта таланти борлигига ишонтирас ва факат севган одамдагина бўладиган хайрихохлик, меҳрибонлик, калб торларининг энг майди иларигача болнаниб кетган хис-туйгулар билан уни яхши кўрар, унга ишонар ва албатта бу ишонч Бекмуродни ўзи истагандай буюк одам бўлишига ундар, орзулар сари даъват этар ва албатта шиддатли интилишларини рўёбга чикармай кўймасди.

Бекмурод хамшира кизга кўнгил кўйишга харакат килиб кўрди. Лекин кўнгил кўйиш, карра-карра жадвали бўлса экан-ки ёдлаб, йўл-йўригини ўрганиб олса, кайси сонни кайси сонга кўпайтираса, кўшса ёки айирса фалон сон келиб чикишини билиб олгандай, кайси сўзни айтгандан кейин, нима жавоб келишини, кайси харакатдан кейин, кайси муносиб жавоб келишини билиш ва шу билан муhabbat муносабатлари ўрнатилишини ўрганиб бўлса. Албатта, муhabbatning хеч кандай конун-коидаси йўк. Кўнгилга ўргатиб бўлмайди. Буйрук хам бериб бўлмайди. Ўзингни мажбурлаб бирорни севолмайсан. Ёки севгисини козонолмайсан. Бунга дунёнинг хамма бойликлари ожизлик килади. Албатта бойлик катта ёрдам бериши, ўрнатилаётган муhabbatни кўллаб-кувватлаши мумкин, лекин муhabbatning ўзини яратолмайди. Агар шундай бўлганда хамма бойлар муhabbat билан яшаётган, хамма камбагаллар эса муhabbatciz бўлишарди.

У кунлардан бир кун Гулрухсор билан кечирган дамларидаги орзузи, буюк актёр бўла олмагани аламига шахар ўртасида улкан кинотеатр курди ва унинг пештоқига катта-катта харфлар билан “Гулрухсор” номини ёзиб кўйди.

...Бекмурод Марварид ўлганидан ўн йил ўтиб, эллик ёшга киргани кечасида алагда-жалагда тушлар кўрди: Тушида одамлар уни ўртага олиб, таъна тошлари ёѓдираётган, хайкиришиб, нега уйланмаяпсан, нега уйланмаяпсан дея, кўл силкишиб бакираётган, ёлгизлик ёлгиз Худога ярашади, уйланишга кодир эркакнинг уйланмай юриши элни бузади, орамизда сендана сўккабошга ўрин йўк, уйлансанг хам уйланасан, уйланмасанг хам уйланасан, сигирга бўлса хам сени уйлантириб кўямиз, сендан бадбўй хид келаяпти, сен хотинларимизни айнитиб юбординг, беваларимизни бесаранжом

килиб, тинчини бузаяпсан, хаммаси талvasага тушиб, кўйлакларини йиртишаяпти, етим болалари ота керак деб, симёгочларни уриб йикитаяпти, оғилхоналарга ўт кўяяпти, кўчада ўтган машинага тош отаяпти, эркак кишини кўрса уйга кир деб торткилаяпти, сен эса дўзахда ярминг сог, ярминг ёниб ётибсан, шайтонлар сени бизга ўрнак килиб кўрсатишаяпти, елкангга эса тўртта шайтон ўтириб олган, миянгни кўлларига олиб, сехру-жоду килишаяпти, килич билан киймалаб, сени гаранг килишаяпти, ўзгаларни етовига тушиб олгансан — дея бакиришаётган, у эса оёк-яланг бўлиб, каёкларгadir бош олиб кетаётган, учиб юриб-юриб, бир сайхонликка бориб колган, сайхонлик шу кадар катта, ўзи шу кадар кичик эмишки, шунча кичкина бошим билан нима говга кўтариб юрибман дермиш, кейин баҳайбат тоглар орасига бориб колганмиш, катта-катта коялар тагида, тирнокдай турганмиш-у, буларнинг орасида мен кимман ўзи дермиш, заррачаман-у, эртага йўқ бўлиб кетаман-у, нимага дунёга жар солиб турибман, бу абадий турувчи коинот устунлари орасида ўзига бино кўйган заррачадай нега бунча ховликасам, нимани тузатишни истаб юрибман, нимани даъво киламан дермиш, шу пайт юкоридан гулдурос солиб харсанг тошлар юмалаб кела бошлабди. У эса битта кавакни сотиб олиш учун, киссасидан минг танга чикирибди, кавакка кириб олиб, осмонга караса юлдузлар нур таратиб турган, хар битта нур одамларнинг кисмати битилган йўл эмишки, миллион-миллион одамларнинг хар бирининг устидан битта нур туриб бошқараётган, нур каёкка борса, одамлар хам ўша ёкка бораётган, чикинилиб, касал бўлиб, ўлим талвасасига тушиб колганлар, нурга караб, юр бошка ёкка борамиз, мени баҳтилирок кил, согломрок кил, мен истагандай юр, мен хоҳлаган томонга борамиз деса, оху-ноласи, юлдузларга эштилмас, юлдузлар жуда олисда, миллион-миллион чакирим юкорида эканки, одамларнинг дод-войлари факат ўзигагина, факат атрофидагиларгагина эштилар экан. Кўчки тингач, Бекмурод бекиниб олган кавагидан чикибида-да, боши оккан томонга югуриб кетибди. Югуриб-югуриб бир чаманзордан чикибди. Унинг ўртасида Гулрухсор юрганмиш-у, Гулрухсор каёкка юрса, чаманзор хам ўша ёкка юрап, гуллар таг-томири билан сугурилиб, унинг оркасидан эргашар, кушлар сайрашиб унга парвона эмиш. Муаттар хидлар булат каби унинг атрофида уймалашган, хушбўй хидларни тутунни пуркагандай пуркаб турармиш. Бекмурод Гулрухсорнинг ёнига борса, унинг кўзи кўкарган, елкалари моматалок, худди тўксон ёшли кампирдай бужмайиб, тишлари тўкилиб, соchlари окариб колганмиш. Бекмурод унинг кўлини ушлаган эди, кўли то билагигача худди ўн етти ёшли кизнинг кўлидай оппок, дуркун ва нозик холатга келибди.

— Юзингиз нега корайиб кетди, Гулрухсор, — деса,

— Эрим ўттиз йилдан бери юзимга тинимсиз урганидан, — дермиш Гулрухсор.

Бекмурод унинг юзини силаган экан, унинг юзи худди ўн етти ёшли кизалокнинг юзидай тарсиллаган, оппок, кон толалари кўриниб турган, жозибали, мафтункор чехрага айланибди.

— Елкаларингиз нега ягир бўлиб кетди, Гулрухсор, — деса,

— Эрим елкамга миниб, мени эшакдай ишлатар, ўттиз йил ичидан лоакал бир марта силамаган дермиш.

— Оёкларингизга нима килди, Гулрухсор-деса,

— Эрим итдай ишлатар, итдай дайдиб, санкиланиб рўзгор ташвишида югурадим, топганимда барака бўлмас, борадиган жойимнинг тайини йўқ эди, -дермиш. Бекмурод унинг елкаларини, оёкларини, юрагига кўл солиб, саваланган гўштдай илма тешик бўлиб кетган юрагини кўкрагидан чикириб, хуллас бошдан оёк хамма жойини бир-бир ушлаб

силаган экан, Гулрухсор дунёда тенгги йўк гўзаллик маликасига айланибди. Ўн етти ёш кизалоқдай кулар, кулганида хар тарафга дуру-гавхарлар сочилар, юрган йўлларида кўм-кўк майсалар очилар, у ушлаган дараҳтларда куртаклар япроқ ёзиб, олтин мевалар тугаркан. Кейин, Гулрухсор Бекмуродга карабди. Унинг нигоҳлари ёѓду таратиб, нурлар Бекмуроднинг баданига сингиб кетибди. Бекмурод хам ўн саккиз яшар, баданлари тошдай каттиқ, мушаклари чайир, кадди тик, барваста, кўзларидан шижоат ёкилиб турган, кўкрагига муштласанг кўлинг оғрийдиган йигитга айланибди. Бекмурод ердаги катта харсангни кўлига олиб улоктирган экан, харсанг тоглар оша учеби кетибди ва анча вактдан кейин тоглар ортидан харсангнинг ерга тушгандаги гумбурлаган овози эшитилибди. Бекмурод гуллардан шу кадар катта майдон ясадики, баландлиги тоглардан баланд, кенглиги эса, поёнсизлигидан охири кўринмас эмиш. Бекмурод мана шу гулу-чечаклардан бино килинган майдоннинг кок ўртасига, осмондай чеки-чегараси йўк гуллар водийсига Гулрухсорни етаклаб борибди. Хар иккиси хам муаттар гуллар хидидан маст бўлиб, бир-бирига термулишар, бир-биридан кўзларини узолмас эмиш. “Хеч ким менинг кўлларимни бу кадар кучли харорат билан ушламаган, кўлларингиз худди бир ботмон чўгдай, бутун аъзойи-баданим титраб, ловуллаб кетаяпти, эrim чувалчангга ўхшарди, сиз эса хакикий мухаббат сохибкironисиз, хозир шудрингдай, сизнинг кучогингизда йўк бўлиб кетаман, — дермиш. Бекмурод уни кучогига олармиш. Уни эркалаб багрига босар, ютокиб ўпар, унинг ичига кириб кетар, унинг ичига кириб, бир йил, икки йил, уч йил бехуш ётар, эллик йилдан кейин кайф-сафодан ўзига келар, бир кечада ўттиз марта Гулрухсор билан кўшилар, Гулрухсор бир кечанинг ўзида яна ўттиз марта кизга айланар, Бекмурод ўттиз марта хам чарчок нималигини билмас, куч-кайрати тобора ошиб борар, ўттиз мартадан кейин яна хушидан кетиб сармаст бўлиб, масту-мустагрилик ишратида яна бир йил, икки йил, уч йил кезиб юрар, эллик йилдан кейин хушига келар ва дунёда Гулрухсордан хам латофатлирок, жозибадоррок, гўзалрок киз йўклигига яна минг бора икрор бўларди.

Бир пайт Гулрухсорнинг ўгли узокдан кўзга ташланибди. У Бекмуродга “Сен отамнинг умрига зомин бўлдинг, хозир хаммаёкка ўт кўйиб юбораман, онамни кайтариб олиб кетаман” — дермиш. — Искандарнинг ўзи кани, нега ўзи келмади, — дермиш Бекмурод. — Отам келай деганди, йўл йўколиб колди, юрай деганди, оёги кочиб кетди, гапирай деганди, тилини тополмай колди, сизнинг олдингизга келишга отамнинг юзи йўк, онамдан шу пайтгача уялмаган отам, энди онамдан уялиб колди, шунинг учун ўзим келавердим, хозир синглим хам келиб колар, онамни кайтариб беринг, — дермиш. — Балки, менга ўгил бўларсан, синглингни хам киз килиб оламан, оналарингни олдида юраверасизлар, сени уйлантираман, синглингни узатаман, икки ўгил уйлаб, анча тажриба орттиридим, энди тўй килиш менга чўт эмас, мана онангни хам маҳрини бериб, никоҳ ўқиттириб уйланиб олдим, катта тўй килай десам, кўнмади, халкка ош бериб кўя колдик, ўзимнинг режам бўйича онангни ок либосга ўраб, келинлар киядиган фата кийгизмокчи эдим, онанг кўнмади, онанг тўй куни, болалигимизда “Бой ила хизматчи” спектаклида мен Гофур, онанг Жамила ролини ўйнаб, чачвонда чикар, мен ок яхтак, шойи белбогда эдим. Тўй куни Гулрухсор ана шу чачвонни кийиб чикибди, унинг кўнгли учун мен хам ок яхтак, шойи белбог, ироки дўппи кийиб олдим, тўйимиз жуда зўр ўтди, сенинг хам тўйингни ўзим ўтказиб бераман, кел менга ўгил бўлиб кўякол, кўй ўша галварс отангни, — деса, унинг ўгли, — Ия, мен кап-катта йигит бўлиб колдим, ёш боламидим, кандай килиб шу ёшда сизга ўгил бўламан, —дермиш ва аста-аста бош эгиб, тисарила-тисарила кўздан гойиб бўлган эмиш. Гулрухсор ўглим, кайтиб келади, кизим

хам келиб колади”, дермиш ва Бекмуроднинг юрагини сугуриб олибди-да ўзи ичига кириб кетибди.

Бекмурод юраги гупурганидан уйгониб кетди. Сўфи бомдод намозига аzon айтаетган эди. Бекмурод кўрган тушларидан хайратланиб, уч марта: Ла иллаха иллоллоҳ, Мухаммадун Расуллоҳ, — дея калимаи шаходат кайтарди-да, ўнг томонига ўгирилиб ётди, тушида нималар кўрганини элас-элас хотирлади, сўнг, тушига таъбир излаб кўзгалди.

Ховли этагига юрди. Оғилхона эшигини очиб, пичанлар гарами уюлган четанга назар солди. Коракурт хаётини алгов-далгов килиб ташлаган эди. Кўлига паншаха олиб, яна коракурт бормикан дея, девор зийларини титкилаб кўра бошлади. Майда кумурскалардан, захкўнгизлардан бошка хеч нарса йўқ эди. Марваридни эслаб кўзига ёш келди. „Шўрлик, яшаб юрса бўлмасмиди? Осойишта хаётимни, фаровон турмушимни эгаси экан, баҳтимни хам, соадатимни хам ўзи билан олиб кетди. Менга азобдан бошка хеч нарса колдирмабди. Кадрига етмаган эканман... Хаммаси оступн-устун бўлиб кетди-я...”

Бекмурод хатми-Куръон ўкиш учун, Марварид ётган кабристон томон юрди.